# Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
# ШАРТНОМА № 4

« 18 » май 2022 йил Наманган шаҳар

Низом асосида фаолият юритувчи Наманган вилоят тери-таносил касалликлар диспансери (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) Б.А.Кадиров номидан низом (ишончнома) асосида бир томондан ва «CHORVADOR» фермер хужалиги номидан фаолият юритувчи (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) рахбар И.Рахматуллаев иккинчи томондан, кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер буюртмачининг Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2.Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни буюртмачини муассаса беъморларига иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизмати хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий хужжатлари билан нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “ ____ ” май дан

2022 йил “ 31 ” декабр. гача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб фактура имзоланиб буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк хисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

## II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархи ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли Ўзбекистон Республикаси ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 2-боб 7-бўлимида кўрсатилганидек сарфланган махсулотлар нархи суммасига устига 20 фоизгача устама хақи олиш;

2.1.8. Фойдаланиладиган комунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва ва давлат тиббиёт ташкилотига сметасида ажратилган бюджет маблағлари хисобидан копланади хамда ижара шартномаси асосида вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чикариш хоналари, асбоб ускуналари, идиш товоқлар ва мебеллардан фойдаланганлик учун тулови 0,0 нол ставка бўйича белгиланади. 2020 йил 10

январдаги №16-сонли ВМнинг "ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом"нинг 4-боб, 13-бўлимида кўрсатилган.

2.1.9.Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуклар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли хамда оқилона фойдаланиш, сақлаш, носоз холга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаш.

2.2.2.Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, мехнат мухофазаси нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3.Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор килиш хақида буюртмачини икки ой олдии ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат буюртмачининг гигиена санитария қоидалари, хамда нормалари ва тугагунига қадар эса тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик хажмда кўрсатиши;

2.2.7.Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида тўғрилаши;

2.2.8.Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳукуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига буюртмачининг худудида одоб-ахлок қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз холда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, лозим даражада фойдасидан келиб чиқиб биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирган холда, буюртмачидан биноларни мебелларни, (хоналарни), инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чикарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб килиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига: жумладан озиқ-овқат омбори ва бошқа кирим чиқим хужжатларига аралашмаган холда фақатгина тайёр бўлган овқатлардангина синамалар олиш;

2.3.3. Шартномани бекор килиш тўғрисида 2 ой олдин аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнннг қийматини белгиланган тартибда тўлашхамда етарли асослантириши лозим;

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуклар.

2.4.Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1.Бажарилган расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойдаги жами сумма хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2.Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 223920000 сум. Икки юз йигирма уч миллион тўққиз юз йигирма минг. сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб- китоблар бажарилган йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган муддатларда курсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз аванс тўловини олдиндан ижрочи ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган 70 % миқдордаги тўловни бажарилган ишлар қабул қилиб олгач шу ойнинг узида хисоб фактурага асосан ўтказиб беради.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони хақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида буюртмачи кундалик буюртмага мувофик Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида бир ойлик буюртмада курсатилган, белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси келишилган холда қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3.Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси талабларида, "Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига бир йилда бир маротаба ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фукаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайднган холатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чикиш учун берилади.

## VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдагн фавкулодда холатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисминн ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома буйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. 8.1. Мазкур шартнома "Буюртмачи" ва "Хизмат кўрсатувчи" томонидан тасдиқланиб, худудий ғазначилик бўлинмаларида руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил " 31 " декабрга кадар амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2019 йилдаги "Соғлиқни сақлаш сохасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора тадбирлари

тўғрисида" ги қарори асосида 2-бўлим в-бандида кўрсатилганидек "битимнинг амал қилиш муддати давлат хусусий шерик томонидан белгиланади. Бунда у 3 йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак"лиги курсатиб ўтилган. Демак битимнинг амал қилиш муддати сметадаги ажратилган маблағлар қаноатлартирган тақдирда келгуси йил учун янги шартномалар тузиш орқали ёки қўшимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари хамда курсатилган муддатларида бажарилган ва хисоб китоб тўлик тугалланганидан сўнг келгуси йил учун ёки келгуси давр учун шартнома янгидан тузилади ёки қўшимча шартнома орқали давом эттирилади.

8.3 Хизмат кўрсатувчи корхона томонидан муассаса ошхона биноси хамда овқат тайёрлаш жараёни учун ишлатиладиган асосий воситалар, катта ва майда жихозлар бўйича сарфланган маблағи яъни киритган инвестиция маблағи бўлган тақдирда хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома 10 йилдан кам бўлган муддатда бекор қилинмайди. Хамда келгуси даврлар учун ошхона биносини сақлаб туриш учун жорий таъмирлаш ишларини амалга оширади. Жумладан: Муассаса томонидан куз қиш мавсуми учун озиқ-овқат захираси жамғарилмайди ва бу хизмат кўрсатувчи томонидан жамғарилади. Ушбу куз қиш мавсуми учун хизмат кўрсатувчи томонидан жамғарилган озиқ овқат захираси хам шартномани муддатидан олдин бекор қилмаслик учун асос бўлади. Ошхона ишчилари иш хақиси ва уларга сарфланадиган бошқа маблағлар хам жамият томонидан тўланишини хисобга олиб шартнома муддати қўшимча шартномалар орқали узайтирилиши мумкин.

## IX. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур Шартнома 3 (уч) нусхада тузилиб, барча нусхалар айнан бир хил ва тенг кучга эга.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

**"Аутсорсер"**

«CHORVADOR» фермер хужалиги
______________________________
(хизмат курсатувчи номи)
Манзил: Наманган т Сохибкор ж/х
Тел./факс ______________________
Х/Р: 20208000000307440001.
Банк номи: Наманган т ДТ Халкбанк
МФО: 00720 СТИР: 200083145
ОКОНХ ______

Рахбар: ______________________ И.Рахматуллаев
(лавозими) (Ф.И.Ш)

М.Ў.
Юрист ______________________

**"Буюртмачи"**

Наманган вил.
Тери-таносил касалликлар диспансери
(бюджетдан маблаг олувчининг номи)
Манзил: Наманган ш. И.Каримов к. 21 уй
Тел./факс: 69-234-34-07
Шхв:100021860444017073201054005
бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 203201518
ОКОНХ 91513
Газначилик бўлинмаси номи Наманган вилояти Газначилик булими
Газна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи ХККМ Марказий Банк
МФО: _____00014 ___________
бўлинмаси СТИРи: 201122919

Бош врач ______________________ Б.А.Кодиров
(лавозими) (Ф.И.Ш)

М.Ў.
Юрист ______ Б.Муллажонов

| Наманган вилоят тери-таносил касалликлар диспансери билан "ЧОРВАДОР" Ф/Х ўртасидаги | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| " 18 "май 2022 йилдаги № 4 -сонли шартнома | | | | | | |
| СПЕЦИФИКАЦИЯ | | | | | | |
| Ойлар | Натура микдори: дона уртача хисобда беъмор | Махсулот бирлик нархи ... сумгача | Кунлар сони | Бир нархи | Сумма | Жами сумма |
| Январ | | | 31 | 0 | 0 | 0 |
| Феврал | | | 28 | 0 | 0 | 0 |
| Март | | | 31 | 0 | 0 | 0 |
| 1-Чорак | | | | 0 | | 0 |
| Апрел | 1600 | 15550 | 30 | 829 333 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| Май | 1600 | 15550 | 31 | 802 581 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| Июн | 1600 | 15550 | 30 | 829 333 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| 2-Чорак | 4800 | | | | | 74 640 000,00 |
| Июл | 1600 | 15550 | 31 | 802 581 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| Август | 1600 | 15550 | 31 | 802 581 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| Сентябр | 1600 | 15550 | 30 | 829 333 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| 3-Чорак | 4800 | | | | | 74 640 000,00 |
| Октябр | 1600 | 15550 | 31 | 802 581 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| Ноябр | 1600 | 15550 | 30 | 829 333 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| Декабр | 1600 | 15550 | 31 | 802 581 | 24 880 000 | 24 880 000 |
| 4-Чорак | 4800 | | | | | 74 640 000,00 |
| Жами 1-йилда | 14400 | | | | | 223 920 000,00 |

Аутсорсер:

Рахбар:

Бош хисобчи:

"CHORVADOR" FERMER XO'JALIGI — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI

Буюртмачи:

Рахбар: Б.Кадиров

Бош хисобчи: А.Мадаминов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI NAMANGAN VILOYATI TERI-TANOSIL KASALLIKLAR DISPANSERI

# O'zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Namangan tumani

## YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami - 56 № 56

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI "CHORVADOR" FERMER XO'JALIGI

2016 yil 25 aprel
mazkur guvohnoma yuridik shaxs

*«CHORVADOR» fermer xo'jaligi*

**Yuridik shaxs bo'lgan dehqon ho'jaliklari uchun ajratilgan yer uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi.**

**Berilgan**

| | | |
|---|---|---|
| **Tashkiliy xuquqiy shakli** | **TXSH** | 130 |
| **Mulkchilik shakli** | **MSH (ФС)** | 113 |
| **Pochta manzili** | **MHOBT (СОАТО)** | 1714212885 |
| **Yuridik shaxs kodi** | **KTUT (ОКПО)** | 15480460 |
| **Soliq to'lovchning identifikasiya raqami** | **STIR (ИНН)** | 200083145 |
| **Tarmoq kodi** | **XXTUT (ОКОНХ)** | 21210 |

**Qo'shimcha ma'lumotlar Mazkur guvoxnomani qalbakilashtirish qat'iyan ta'qiqlanadi.**

*Namangan tuman xokimining 2016 yil 15 fevraldagi 90-sonli qaroriga asosan qayta davlat ro'yhatidan o'tdi*

**M.O'**

**Vakolatli organ rahbari** ______ (imzo) **A. Akramov**

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

" 18" май 2021 йил Наманган.ш

Наманган вилоят тери-таносил касалликлар диспансери томонидан 2021 йил "13" майдаги 82237 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича беморларга иссик овкат етказиб бериш (ауксорсинг хизмати) (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича Чорвадор фермер хужалиги томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди.Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти рахбари Б.Кадиров

Давлат буюртмачи ташкилоти бош хисобчиси А.Мадаминов

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 82237 на приобретение Иссик овкат учун Аутсорсинг хизмати учун

Способ проведения электронный

Дата 13.05.2022

Время рассмотрения 13.05.2022 17:31

Конкурсная комиссия Вилоят тери-таносил касалликлар диспансери, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QADIROV BAXTIYORJON ABDUXALILOVICH | Бош врач | Наманган вилояти тери-таносил касалликлари диспансери |
| **Секретарь комиссии** | ABDULLAYEVA DILBARXON MAXMUDJANOVNA | Котиба | Наманган вилояти тери-таносил касалликлари диспансери |
| **Член комиссии** | XOLMIRZAYEV NODIRJON BOYMIRZAYEVICH | бош врач | Наманган вилояти тери-таносил касалликлари диспансери |
| **Член комиссии** | DJURAYEVA MALIKA KURBANALIYEVNA | дорихона мудири | Наманган вилояти тери-таносил касалликлари диспансери |
| **Член комиссии** | ABDURAXIMOV DILMUROD MIRZAMAXMUD O'G'LI | Врач дерматалог | Наманган вилояти тери-таносил касалликлари диспансери |
| **Член комиссии** | JURAYEV SALOXIDDIN TOJIMIRZAYEVICH | КУК раиси | Наманган вилояти тери-таносил касалликлари диспансери |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.05.2022 года № лота 82237.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
|---|---|
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
|---|---|
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |

| | |
|---|---|
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Аутсорсинг хизмати йиллик бюджет |
| Количество товара | 1 600.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 17 510.00 |
| Стартовая сумма | 28 016 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "FATX" FH | 20 | 252144000 | 20 | Экспертная | | |
| ЧП CONCORD FOOD SALES | 20 | Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан | 14 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қарздорлиги мавжуд эмаслиги; Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши | | | | |
| ФХ CHORVADOR | 20 | 223 920 000 | 17 | Экспертная | | |

Критерий №2 2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озик овкат захираси мавжудлиги тугрисида тасдикланган маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озик овкат захираси мавжудлиги тугрисида тасдикланган маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "FATX" FH | 20 | 252144000 | 18 | Экспертная | | |
| ЧП CONCORD FOOD SALES | 20 | 2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озик овкат захираси мавжудлиги тугрисида тасдикланган маълумотнома | 15 | Экспертная | | |
| ФХ CHORVADOR | 20 | 223 920 000 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №3 Талабгорнинг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот ҳолатда эмаслиги, танлов ташкилотчиси ёки буюртмачи билан судлашмаётганлиги ёки арбитраж муҳокамасида эмаслиги, шунингдек, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбурияти йўқлиги тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот ҳолатда эмаслиги, танлов ташкилотчиси ёки буюртмачи билан судлашмаётганлиги ёки арбитраж муҳокамасида эмаслиги, шунингдек, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбурияти йўқлиги тўғрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "FATX" FH | 20 | 252144000 | 10 | Экспертная | | |
| ЧП CONCORD FOOD SALES | 20 | маълумотнома | 12 | Экспертная | | |
| ФХ CHORVADOR | 20 | 223 920 000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (ташкилотнинг муҳри босилган ҳолда

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (ташкилотнинг муҳри босилган ҳолда);

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "FATX" FH | 20 | 252144000 | 15 | Экспертная | | |
| ЧП CONCORD FOOD SALES | 20 | Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси | 16 | Экспертная | | |
| ФХ CHORVADOR | 20 | 223 920 000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Хизмат курсатувчи томонидан муаассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин булган инвиститсия маблаглари буйича маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат курсатувчи томонидан муаассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин булган инвиститсия маблаглари буйича маълумотнома.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "FATX" FH | 20 | 252144000 | 13 | Экспертная | | |
| ЧП CONCORD FOOD SALES | 20 | Хизмат курсатувчи томонидан муаассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин булган инвиститсия маблаглари буйича маълумотнома. | 13 | Экспертная | | |
| ФХ CHORVADOR | 20 | 223 920 000 | 12 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| ЧП CONCORD FOOD SALES | 252 144 000.00 | 240 480 000.00 | 13.05.2022 08:52:56 | 9.31 |
| ФХ CHORVADOR | 252 144 000.00 | 223 920 000.00 | 13.05.2022 09:29:25 | 10.00 |
| "FATX" FH | 252 144 000.00 | 252 144 000.00 | 12.05.2022 23:45:04 | 8.88 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование | Общий балл по | Общий балл по | Итоговый |
|---|---|---|---|

| участника | технической части | финансовой части | балл |
|---|---|---|---|
| **ЧП CONCORD FOOD SALES** | 63 | 9.31 | 72.31 |
| **ФХ CHORVADOR** | 78.3 | 10 | 88.3 |
| **"FATX" FH** | 68.4 | 8.88 | 77.28 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 82237 от 13.05.2022 года на приобретение Иссик овкат учун Аутсорсинг хизмати учун определила победителем:

ФХ CHORVADOR
200083145

и резервный исполнитель: "FATX" FH (203127126)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QADIROV BAXTIYORJON ABDUXALILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DJURAYEVA MALIKA KURBANALIYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDURAXIMOV DILMUROD MIRZAMAXMUD O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | JURAYEV SALOXIDDIN TOJIMIRZAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП